

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ГЕОГРАФИЯ ЖАМИЯТИ
НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

География фанлари номзоди,
доцент Т.Маллабосвнинг 70 йиллик
юбилейига бағишланади

**ТАБИАТДАН ФОЙДАЛАНИШ
ВА МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИНГ
ГЕОГРАФИК АСОСЛАРИ**

Республика илмий-амалий конференцияси

МАТЕРИАЛЛАРИ

(Наманган, 2010 йил 4-5 июн)

Наманган-2010

шают силу ветра, благодаря чему подъём солей и пыли со дна значительно уменьшились.

Узбекистан является аграрной страной и отказаться от земледельческой политики невозможно, да и не целесообразно это. Соответственно проблему дефицита воды, а точнее её рациональное использование нужно решать в любом случае. В развитых странах уже давно практикуется капельное орошение, благодаря чему экономят воду и не происходит засоление почв, причиной которой является лишнее количество влаги. Также во многих государствах давно отказались от химических, «долгосрочных», вредных удобрений заражающих почву,

затем и человека. Необходимо данный опыт применить у нас в Республике. Решив эти проблемы, увеличатся стоки вод из Амударьи и Сырдарьи в Аральское море, улучшится плодородие почвы. В результате экологическое равновесие в регионе восстановится и несомненно вырастет экономический уровень населения.

Воду принято относить к неисчерпаемым ресурсам природы, но при нерациональном использовании могут иссякнуть и её запасы, что повлечет нарушение экосистемы в целом, свидетелями которого мы и являемся. Следовательно, нужно беречь воду!

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ҚИШЛОҚ ВА ШАҲАР СЕЛИТЕБ ЛАНДШАФТЛАРИ ГЕОЭКОЛОГИК ҲОЛАТИ

Тошбоев З.М. Усмонов М.Р.

Жиззах давлат педагогика институти

Бизга маълумки, қишлоқ ва шаҳарларнинг вужудга келиши маълум қонуниятлари асосида юз беради. Бу қонуниятлар албатта биринчи навбатда географик жойлашув ўрнида табиий шароитлари ҳисобга олинган ҳолда вужудга келган қишлоқ ва шаҳар селитеб ландшафтларининг вужудга келишида ўз ифодасини топган.

Республикамизнинг Фарғона водийси шаҳарлари, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Кармана, Қарши, Шаҳрисабз, Урганч ва бошқа шаҳарлари ўз давридаги географик билимларга таянган ҳолда жойнинг табиий шароити пухта ўрганилиб вужудга келтирилганлиги барчага маълум.

Ҳудди шунингдек, қишлоқ селитеб ландшафтларининг вужудга келиши ҳам Ўрта Осиё ҳудудида асосан, тоғ олди ва тоғ оралиғи водийлари, суғориладиган ерлар – воҳаларда вужудга келган. Бунда биринчи навбатда суғорма деҳқончилик учун зарур бўлган оқар сув манбаларига боғлиқ равишда ҳудуди кенгайиб борган. Бу жараёнда кишилар ўз-ўзидан табиат компонентларига – рельеф, иқлим, сув манбалари, тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига маълум даражада таъсир кўрсатиб,

табиий ландшафтларни ўзгартирган. Текислик, чўл ҳудудларда эса асосан яйлов чорвачилиғи негизида аҳоли манзилгоҳлари вужудга келган.

Кейинчалик вақт ўтиши билан фан ва техника тараққиёти саноат ривожига туртки бўлди ва ўз-ўзидан саноат ишлаб чиқаришни хом ашёга бўлган талаби янги ерларни ўзлаштириш, янгидан янги минерал ресурсларни қидириб топиш ҳамда уларнинг негизида саноатлашган шаҳар ландшафтлари келишига олиб келди. Аҳоли манзилгоҳлари - шаҳар, шаҳарча ва шаҳар типдаги қўрғонлар кўпроқ қонлар яқинида, янги ерларни ўзлаштирилиши натижасида, транспорт йўллари кесишган ҳудудларда, сув омборлари вужудга келган жойларда таркиб топиб борди.

Ҳар бир аҳоли манзилгоҳи ҳудуднинг табиий ва ижтимоий-иқтисодий шароитидан келиб чиққан ҳолда табиий ландшафтларга таъсир этиб, антропоген ландшафтларга – қишлоқ ва шаҳар селитеб ландшафтларига айлантирилган. Натижада табиий ландшафтлар компонентлари турли даражада таъсир кўрсатган.

Жиззах вилояти ҳудудида ҳам қадимдан ҳар бир жойнинг табиий-иқлим, ижтимоий-

иктисодий омиллар таъсирида қишлоқ ва шаҳар селитеб ландшафтлари вужудга келган. Тоғ ва тоғ олди текисликларидан иборат бўлган жанубий ва жануби-ғарбий қисмида тоғлардан оқиб тушувчи сойлар бўйлаб тоғ оралиғи ва тоғ этакларида Зомин, Бахмал, Ғаллаорол ва Фориш туманлари ҳудудида қишлоқ селитеб ландшафтлари вужудга келган. Бу ҳудудларда аҳоли қадимдан истикомат қилишиб, жойнинг табиий экологик шароитини жуда яхши билишган ва табиий ландшафтга бирмунча камроқ таъсир кўрсатиб келишган. Аҳоли сонининг ортиб бориши билан қишлоқлар ҳудуди кенгайиб, табиий ландшафт компонентларига кўрсатаётган таъсири ҳам ортиб бормоқда. Тоғ ёнбағирлари сурилиб текисланиши, ҳайдалиб деҳқончилик қилиниши, чорва моллари сонининг ортиб бориши, яйловлардан нотўғри фойдаланилиши натижасида тупроқ сув ва шамол эрозиясига учрамоқда, сув ресурслари мавсум давомида етишмовчилиги кузаилмоқда. Натижада табиий-экологик муҳит маълум даражада бузилишига олиб келмоқда.

Вилоятнинг текислик, чўл ҳудудларида жойлашган Арнасой, Дўстлик, Зафаробод, Зарбдор, Мирзачўл ва Пахтакор туманлари қишлоқ ландшафтлари вужудга келиши янги ерларнинг ўзлаштирилиши натижасида вужудга келган бўлиб, режа асосида хўжалик марказлари сифатида вужудга келтирилган. Чўл табиат комплекслари инсон томонидан янги ерларнинг ўзлаштирилиши натижасида текисланиб, сугорилиши натижасида тупроқлари иккиламчи шўрланишга учраган. Ер юзаси нишаблиги паст бўлганлиги ва ер ости сувлари ҳаракати секин кечганлиги ҳамда дренаж зовурларини тозаланмаслиги туфайли ботқоқланишга, шўрланишга олиб келмоқда. Табиий шароити чўл иқлимга хос бўлиб, йўллар, сув иншоотлари атрофига ва боғ хиёбонларга экилган дарахтлар микроклимни бироз юмшатиб туради. Чўл ҳуду-


дида жойлашган қишлоқ селитеб ландшафтларининг табиий компонентлари турли даражада антропоген таъсирга учраган бўлиб, уларни сунъий равишда бошқарилиб туришни тақозо этади.

Энди вилоят миқёсидаги шаҳар селитеб ландшафтларининг вужудга келишига назар ташлайдиган бўлсак, юқорида таъкидлаганимиздек тоғ олди ҳудудларида жойлашган Жиззах, Зомин, Ўснат, Ғаллаорол, Лалмикор, Янгиқишлоқ каби шаҳар ва шаҳар типидagi кўрғонлар қадимдан табиий шароити энг қулай бўлган ҳудудларда, қадимги карвон йўллари устида ҳамда ҳозирги вақтдаги транспорт йўллари яқинида жойлашганлигини кўрамиз. Бу шаҳарларнинг йириклашиб кенгайиб кетишига минерал табиий ресурсларнинг бу шаҳарлар яқинидан топилмаганлиги, саноатнинг ривожланмаганлиги тўсқинлик қилади.

Вилоят маркази бўлган Жиззах шаҳрини олиб қаралганда, Зарафшон дарёси бўйида жойлашган Самарқанд шаҳри сингари бу шаҳар ҳам Сангзор дарёси бўйида вужудга келган воҳа ўрнида кенгайиб бормоқда.

Текислик ҳудудлардаги шаҳарларнинг вужудга келишида эса янги ерларнинг ўзлаштирилиши мобайнида тузилган туманлар марказлари сифатида Дўстлик, Пахтакор, Гагарин, Зафаробод, Зарбдор ва Ғолиблар шаҳар ва шаҳар типидagi кўрғонлар географик жойлашувига кўра темир йўл ёқасида ёки асосий транспорт йўллари кесишган ҳудудлар бунёдга келган. Бу шаҳарларнинг ландшафт қиёфасини маълум режа асосида қурилган турар жой бинолари, саноат корхоналари, боғ ва кўкаламзорлаштирилган ҳудудлар белгилайди. Кейинги вақтларда ушбу шаҳарларда ҳам ландшафт-экологик муаммолари турли омиллар туфайли вужудга келган бўлиб, уларни ўз вақтида бартараф этишни талаб қилади.





**ТАБИАТДАН ФОЙДАЛАНИШ
ВА МУХОФАЗА ҚИЛИШНИНГ
ГЕОГРАФИК АСОСЛАРИ**

**РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
КОНФЕРЕНЦИЯСИ МАТЕРИАЛЛАРИ**